

Impact Factor: 4.972

ISSN: 2181-0788

DOI: 10.26739/2181-0788

[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

# IJC

**INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS**

**KONSENSUS XALQARO JURNALI**



VOLUME 3, ISSUE 2

**2022**

# KONSENSUS XALQARO JURNALI

3 JILD, 2 SON

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS  
VOLUME 3, ISSUE 2



## Bosh muharrir | Chief Editor:

### JO'RAYEV NARZULLA QOSIMOVICH

siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi

## Bosh muharrir o'rinbosari: Deputy Chief Editor:

### SAIDOV SANJAR SHAVKATOVICH

siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD),  
O'zbekiston Respublikasi

## Bosh muharrir o'rinbosari: Deputy Chief Editor:

### ZAMONOV ZOKIR TURG'UNOVICH

siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori  
(PhD), O'zbekiston Respublikasi

# TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI | EDITORIAL BOARD

### ALIMARDONOV TO'LQIN

siyosiy fanlar doktori, professor,  
O'zbekiston Respublikasi

### ANITA SENGUPTA

siyosiy fanlar doktori, professor  
Hindiston Respublikasi

### BAYDAROV ERKIN

falsafa fanlari nomzodi, professor,  
Qozog'iston Respublikasi

### GREGORY GLEASON

siyosiy fanlar doktori, professor  
Amerika Qo'shma Shtatlari

### FARMONOV RAHMON

tarix fanlari doktori, professor,  
O'zbekiston Respublikasi

### JO'RAYEV SAYFIDDIN

siyosiy fanlar doktori, professor,  
O'zbekiston Respublikasi

### JENNIFER MURTAZASHVILI

siyosiy fanlar doktori, professor  
Amerika Qo'shma Shtatlari

### MAMADAZIMOV ABDUGANI

siyosiy fanlar nomzodi, dotsent,  
Tojikiston Respublikasi

### MADAYEVA SHAXNOZA

falsafa fanlar doktori, professor,  
O'zbekiston Respublikasi

### KHOLMUMINOV JAFAR

falsafa fanlar doktori,

### NURMATOVA GULSAYRA

siyosiy fanlar doktori, professor,  
Qirg'iziston Respublikasi

### QIRG'IZBOYEV MUQIMJON

siyosiy fanlar doktori, professor,  
O'zbekiston Respublikasi

### QO'CHQOROV VAHOB

siyosiy fanlar doktori, professor,  
O'zbekiston Respublikasi

### QODIROV ANVAR

falsafa fanlar doktori, professor,  
O'zbekiston Respublikasi

### ONO MASAKI

falsafa doktori, professor  
Yaponiya

### TOLIPOV FARXOD

siyosiy fanlar nomzodi, dotsent  
O'zbekiston Respublikasi

### VASILY NIKULENKO

tarix fanlari nomzodi, dotsent,  
Rossiya Federatsiyasi

### CHANDER SHEKHAR

falsafa doktori, professor,  
Hindiston Respublikasi

## Mas'ul kotib | Responsible secretary:

### TO'YCHIYEVA RA'NO


O'zbekiston Respublikasi

<b>1. Vahob Kuchkarov, Lazokat Ikanova</b> THE ROLE OF EDUCATION AND UPBRINGING IN THE PROFESSIONAL ORIENTATION OF YOUNG PEOPLE.....	5
<b>2. Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич</b> “ҚИЁСИЙ ТАСАВВУФШУНОСЛИК”: МЕТОДОЛОГИЯ ВА ФАН.....	14
<b>3. Фарход Толипов</b> НАТО И ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ: БУДЕТ ЛИ ПАРТНЕРСТВО РАДИ МИРА?.....	27
<b>4. Замонов Зокир Турғинович, Эшмаматов Фаррух Эшқобил ўғли</b> ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	33
<b>5. Исомиддинов Элдор Ботирович</b> ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЕТАКЧИ ОМИЛЛАРИ.....	41
<b>6. Таникулов Жонибек Аширкулович</b> ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ МЕДИА АХБОРОТ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	49
<b>7. Мирзаев Агзам Рустамович</b> ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ.....	55

# JOURNAL OF INTERNATIONAL CONSENSUS

**Исомиддинов Элдор Ботирович,**  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Кадрлар бўлими мутахассиси

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЕТАКЧИ ОМИЛЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6906332>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жамиятдаги мавжуд маҳаллий давлат бошқарув қарорлари самарадорлигини ошириш ва фаолият мезонларини ишлаб чиқишда халқ манфаатлари ва давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим элементларини ҳисобга олиш, стратегик мақсадларни режалаштиришнинг аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, бугунги жадал ислохотлар даврида маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини барқарорлаштириш ва модернизациялашнинг муҳим фактор эканлиги таҳлил қилиб берилган.

**Калит сўзлар:** маҳаллий бошқарув органи, халқ манфаатлари, давлат ҳокимияти, ижро ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, жамият равнақи, демократик тизим.

**Isomiddinov Eldor Botirovich,**  
Specialist of the Human Resources Department  
of the Uzbek State University of World Languages

## LEADING FACTORS FOR THE EFFECTIVENESS OF LOCAL GOVERNMENT IN UZBEKISTAN

### ABSTRACT

This article reveals the importance of taking into account the interests of people and elements of state social policy, as well as planning strategic goals in developing leading criteria and improving the effectiveness of existing local government management decisions in society. It is also analyzed that the stabilization and modernization of the activities of local governments is an important factor in today's rapid reforms.

**Key words:** local government, human interests, state power, executive power, local self-government, development of society, democratic system.

**Исомиддинов Элдор Ботирович,**  
Специалист отдела кадров Узбекского  
государственного университета мировых языков

## ВЕДУЩИЕ ФАКТОРЫ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОРГАНОВ МЕСТНОГО УПРАВЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье раскрыто важность учета интересов людей и элементов государственной социальной политики, а также планирования стратегических целей при разработке ведущих критериев и повышении эффективности существующих местных государственных управленческих решений в обществе. Также проанализировано, что стабилизация и модернизация деятельности органов местного самоуправления является важным фактором в ходе сегодняшних стремительных реформ.

**Ключевые слова:** орган местного управления, интересы человека, государственная власть, исполнительная власть, местное самоуправление, развитие общества, демократический строй.

**КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ.**

Давлат ва жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданий равнақи, аввало, давлат бошқарув органлари, хусусан, маҳаллий бошқарув органлари фаолияти барқарорлиги ва функционал ривожланиб боришига бевосита боғлиқ. Қисқача айтганда, маҳаллий бошқарув тизими жамиятда аввалдан мавжуд бўлган миллий қарашлар ва демократик тамойилларнинг тарихий шакли сифатида миллий давлатчилик тамойилларига мос ҳолда секин – аста фаолият мезонларини ўзгартириб, мазмуна бойиб, трансформациялаштириб борган.

Айрим ўринларда мазкур бошқарув тизими локал бошқарув органи, деб ҳам юритилади. Маҳаллий бошқарув органи ўз-ўзидан локал тармоқлар, яъни маҳаллий – ҳудудий бошқарув масалаларини ҳал қилиш ва мавжуд муаммоларга ечим топиш вазифаларини ҳам ўтаб келади.

Ўзбекистонда шакллантирилган маҳаллий бошқарув бевосита маҳаллий, яъни туман, шаҳар ёки ўзини ўзи бошқариш органлари даражасида амалга ошириб борилади. Маҳаллий даражадаги маъмурий бошқарув марказий ҳокимият томонидан берилган муайян функциялар асосида амалга оширилади, шу билан бирга, маҳаллий бошқарув тизими марказий бошқарув органи олдида масъул бўлган бошқарув системасини юзага чиқаради.

**МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ.**

Ушбу мақолада тарихийлик, мантиқий, анализ ва синтез, контент таҳлил, прогнозлаш каби усуллар, ҳамда тизимли, функционал ёндашувлардан фойдаланилган.

Бугунги Янги Ўзбекистон шароитида давлат бошқаруви, хусусан, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, жамият сиёсий барқарорлигини таъминлашда мазкур органлар фаолиятини баҳолашга оид бир қатор ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, уларнинг модернизациялашуви, фаолият самардорлигининг муҳим механизмларини ўрганиш ижтимоий-сиёсий фанларда янада долзарблик касб этиб бормокда.

**ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.**

Агар давлат бошқарувига оид манбаларга назар ташланса, маҳаллий бошқарув органларининг асосий вазифаси, давлат, жамият ва халқ манфатлари йўлидаги стратегик мақсад ва вазифаларни амалга оширишга етакчилик қилиши билан уйғунликни ташкил этишини кузатиш мумкин бўлади. Маҳаллий давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги айнан маҳаллий йўналишни ривожлантириш борасида қабул қилинган бошқарув қарорларини реал ҳаётда қўллаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Бу жараёнда, "инсон – жамият – давлат" манфаатлари тўла қонли намоён бўлиши кўда тугилади. Шунингдек, стратегик мақсадларни ўзида мужассам этган бошқарув қарорлари қабул қилиниши халқнинг ислохотларга бўлган ишончини оширади.

XX асрнинг биринчи чорагида Ўзбекистондаги давлат ҳокимияти органлари ишчилар, деҳқонлар – барча меҳнаткашларнинг иродаси ва манфаатларини ифодаловчи синфий муассасалар эди. Улар ўзининг ижтимоий-миллий таркибига кўра вакиллик органлари эди. Бироқ, тарихий тажриба кўрсатганидек, собиқ Иттифоқ даврида мавжуд бўлган вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ, посёлка ва овул советлари маҳаллий бошқарувда жиддий ўрин тутмаган, советлар ўша даврда фақат ҳукмрон партия қарорларини ҳаётга тадбиқ этилишини ташкил

этувчи органга айланиб қолган эди[1], дея таъкидлайди сиёсатшунос олим Н.Деҳқонов.

Бу ўша кезларда маҳаллий ҳокимият органларининг эркин ва ташаббускор фаолиятига йўл берилмаган.

Агар истиқлолга эришиш йўллари билан солиштирадиган бўлсак, маҳаллий бошқарувда вакиллик органларини шакллантиришдаги муаммолар кўзга ташланади. Буни бугунги шароит ва имкониятлар билан солиштирадиган бўлсак, маҳаллий давлат бошқаруви фаолияти ўзига аҳамият касб этиб бораётганлигини асослаш мумкин.

Маҳаллий ҳокимият органларининг вакиллик ва ижро ҳокимияти органларига бўлиниши ҳокимият тақсимланиши йўлидаги муҳим кадам бўлди. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида ҳокимият бўлиниши мустаҳкамдаб кўйилди, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат идоралари тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилиши белгиланади[2].

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – жойлардаги давлат бошқарув идоралари ҳисобланади. Улар маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни ўз ваколатлари доирасида ўзлари ҳал этадилар, умумдавлат манфаатларини шу ҳудудда яшаб турган фуқароларнинг манфаатлари билан уй-ғунлаштирадилар, ягона давлат ҳокимияти органларининг таркибий бўғини сифатида юқори давлат органлари қарорларининг амалга оширилишини таъминлайдилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимлар белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга оширади[3].

Мустақил Ўзбекистон Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Жойларда вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини тузишдаги асосий мақсад, биринчидан, шу жойларда давлат органларини тузишда аҳолининг иштирокини таъминлаш, иккинчидан, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни бамаслаҳат, кўпчилик бўлиб муҳокама қилиш ва тўғри қарор қабул қилиш, учинчидан, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан маҳаллий миқёсда назорат ўрнатиш эди” [4]. агар давлат органлари фаолиятини ривожлантиришда жамият аъзоларининг вакиллик органлари иштироки таъминланмас экан, бошқарувда ва тизимли ислохотлар олиб боришда ҳақнинг ишончи ҳамда уларнинг бевосита иштироки амалга ошмайди. Бу жараёнда маҳаллий давлат бошқарув органлари фаолияти ўта муҳим формаль аппаратга айланиши керак бўлади.

Ўзбекистон жамиятида истиқлолнинг дастлабки йиллардан маҳаллий давлат бошқаруви органларининг демократик тизими вужудга келтирилди.

Мамлакатда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойил асосида, қолаверса, фуқаролик жамияти куриш бош мақсадидан келиб чиқиб, марказий давлат ҳокимиятининг аксарият ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказининг босқичма-босқич йўли танланди.

Шунингдек, мустақиллик даврида маҳаллий давлат ҳокимият органларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки учун ҳам кенг ҳуқуқий ва сиёсий кенгликлар яратилди. Бу соҳадаги муҳим жиҳатлардан бири – бу сиёсий жараёнда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари фаолияти масалаларни жамоавий бўлиб ва эркин муҳокама қилишга, ошқораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланишининг жорий этилиши бўлди. Бу кенгашларга тегишли ҳудудда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида сессияларда қонунийлик ва ҳуқуқий-тартиботни, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро

этиш, маҳаллий солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш ҳамда тегишли қарорларни қабул қилиш ваколатлари берилди.

Барча даражадаги халқ депутатларида партия гуруҳлари тузиш, уларнинг фаолиятига доир ҳуқуқий асослар қабул қилинди. Бу гуруҳларнинг вилоят ижроия ҳокимиятини назорат қилишда иштирок этиш шакллари ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди[5].

Хусусан, 1992 йил 4 январда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта тузиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Бу қонун билан маҳаллий ҳокимият органлари тизимида бутунлай янги орган – ҳоким лавозими таъсис этилди ва унинг вакиллик органларига ҳам бошчилик қилиши белгиланди. Мазкур қонунда биринчи марта ҳуқуқий маромлар даражасида маҳаллий давлат органларининг вакиллик ҳокимияти ва ижроия ҳокимиятига бўлиниши мустаҳкамланди[6]. Мазкур Қонун бевосита маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимини маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ташкил этиши, уларнинг фаолият йўналиши ва ҳуқуқий ваколатлари, мақомини белгилаб берган, дейиш мумкин.

Маҳаллий ҳокимият тизими бош қомусимизда алоҳида кўрсатиб ўтилди, унинг ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, Асосий Қонунимизда маҳаллий давлат ҳокимияти бўйича алоҳида боб ажратилган.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, давлат органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан давлат ва жамият аҳамиятга молик бўлган бошқарув қарорлари қабул қилинишини амалга оширишади.

Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- қонун – олий давлат вакиллик органи – парламент томонидан қабул қилинадиган олий ҳуқуқий кучни ва мамлакатнинг бошланғич ҳуқуқий меъёрини ифодалавчи меъёрий ҳуқуқий актдир; қонунлар республика конституциявий қонунлари, республика қонунлари, тармоқларга оид қонунлар, тармоқлараро қонунлар кабиларга бўлинади;

- мамлакат Президенти фармони (ва фармойиши) – қонун ости меъёрий ҳуқуқий акти ҳисобланиб, унга бутун мамлакат ҳудудида амал қилинади;

- мамлакат ҳукумати қарорлари (ва фармойишлари) – қонун ости меъёрий ҳуқуқий акти ҳисобланиб, мамлакат қонунлари ва Президент фармонлари (фармойишлари) ижросини амалга ошириш учун ҳукумат томонидан қабул қилинади. Уларнинг ижроси мамлакат ҳудудида бажарилиши шартдир;

- давлатнинг мақсадли дастурлари – аниқ, маълум бир муддатга мўлжалланган ижтимоий ривожланишга йўналтирилган иқтисодий, техникавий, илмий-тадқиқот, ижтимоий ва ташкилий тадбирлар мажмуаси;

- давлат ижроия органлари тўғрисидаги низомлар – меъёрий акт бўлиб, ижроия ҳокимияти органи ҳуқуқий мақомини белгилаб беради, уларнинг ўзига қарашли муассасаларни давлат бошқаруви бўйича махсус (тармоқлар бўйича) ваколатлари ва функцияларини ифодалайди. Бу каби низомлар ҳукумат томонидан тасдиқланади;

- ижроия ҳокимият органининг тизилмавий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар – меъёрий акт бўлиб, мазкур бўлинмаларнинг фаолияти, вазифаси, функциялари, шунингдек, бўлинмалар раҳбарларининг ҳуқуқ ва масъулиятларини белгилаб беради. Улар ижроия ҳокимияти органи раҳбарияти (вазирлик, давлат қўмитаси ва бошқалар) томонидан тасдиқланади[7].

Бундан ташқари, маҳаллий давлат бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга ошириш билан бирга, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнаша бошладилар.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органларида маъмурий ислохотларни амалга оширишда бевосита иштирок этганлиги учун ҳам бошқарув системасида ўзига хос бўлган статусга эга бўлиб бориши талаб этилади. Айни бу жараёнда бошқарув қарорлари самарадорлигини белгилаш ва баҳолаш баҳолаш мезонларини яратишда ҳақ манфаатлари ва давлат ижтимоий



сиёсатининг муҳим элементларини ҳисобга олиши, стратегик мақсадларни кўзлаб фаолиятни ташкил этиши унинг самарадорлигини белгилайди.

Сиёсатшунос олим М.Қирғизбоев таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда давлат сиёсатининг стратегик ривожланишга доир муҳим йўналишларидан бири – мамлакатда давлат ҳокимиятини учга бўлиниш тамойилини ҳаётда амалга оширишга қаратилган бўлса, бу жараёнга уйғун равишда олий ва маҳаллий вакиллик органларини давлат ва жамият куришдаги ролини кучайтиришга муҳим эътибор берилмоқда. Умуман олганда, давлат ҳокимияти органлари асосий устувор фаолияти инсон тараққиёти учун шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш сифатида намоён бўлиши ислоҳотлар натижаси инсонга қаратилганлигини англатади[8].

Маҳаллий бошқарув органлари ўзлари фаолият юритаётган ҳудудларда давлат ва хўжалик ишлари фаолияти, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий фаолият билан шуғулланибгина қолмай, жамият ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиёт учун масъуллигини ҳам ошириб бориши талаб этилади.

Юридик соҳа олими Д.Бабаджанов замонавий давлатларда маҳаллий бошқарув тизими вертикал равишда иккитадан бештагача бўлган бўғинни ўз ичига олган тизим сифатида қайд этиб, бундай бўлинишни қуйидагича тавсифлайди: икки бўғинли бўлинишда вилоятлар (губерналар, округлар, провинциялар) – жамоаларга (муниципалитетлар, коммуналар); уч бўғинли: вилоятлар – туманлар – жамоалар; тўрт бўғинли: минтақалар – вилоятлар – туманлар – жамоаларга ажратилиши аниқланган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари юқори турувчи органлар билан ўзаро муносабатлар даражасига қараб ҳам турлича бўлади. Италия, Франция, Германия каби давлатларда қуйи турувчи органларнинг юқори турувчи органларга қатъий, тўғридан-тўғри бўйсунувда бўлишини кузатсак, АҚШ ва Буюк Британия каби давлатларда автоном тизимга амал қилинади. Яъни, бунда вертикал бўйсунуш деярлик мавжуд бўлмаслиги қайд этилган[9].

Ўзбекистон жамиятида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари 2 га бўлинади: маҳаллий вакиллик органлари ва маҳаллий ижроия органлари. Маҳаллий вакиллик органлари ўз фаолиятини коллеги-аллик асосида олиб боради. Маҳаллий кенгаш ишининг асосий ташкилийҳуқуқий шакли сессия ҳисобланади. Маҳаллий вакиллик органларининг ҳамма бўғинлари сайлов йўли билан ташкил қилинади. Қонун вакиллик органларига ҳар томонлама билимга, тажрибага эга, кенг, мустақил фикрловчи шахсларнинг сайланишини ва бу органлар ишчан бўлишини назарда тутати.

Маҳаллий ижроия органлари – ҳокимиятларга вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошчилик қилади ва уякбошчилик принципи асосида иш олиб боради. Ҳокимиятлар бошқармалар, бўлимлар ва бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг тузилиши, ташкил этилиши ва фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг тузилиши ва штатлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, тегишли халқ депутатлари кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади. Туман, шаҳар ижроия ҳокими-яти органлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ижроия ҳокимияти органлари тузилиши ва штатлари таркиби Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.

Қолаверса, маҳаллий вакиллик органлари ва ҳокимлар қабул қиладиган ҳужжатлар конституция ва қонунларга зид бўлмаслиги лозим. Ҳоким томонидан қабул қилинган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар судга шикоят қилишлари мумкин[10].

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлиги аҳолининг минтақавий, хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончи, ҳурматининг оширишни таъминлаш билан бирга давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ҳамда давлат ҳокимиятининг жамият олдида ҳисобдорлигини, жамоатчилик ва давлат ўртасидаги ўзаро доимий алоқаларни мустаҳкамлайди. Бу эса, ўз навбатида, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврдаги тушунчаларга мувофиқ маҳаллий ҳокимият – бу кенг тарқалган тасаввурларга биноан ўз мажбуриятлари ва ваколатлари бўйича бир даража марказий ҳокимиятдан куйида турган, маҳаллий даражага тегишли бўлган ҳокимиятдир.

Маҳаллий ҳокимият органлари тизими куйидагилардан иборатдир:

-маҳаллий ҳокимиятлар – жойларда ҳокимиятни амалга оширадиган шахс, органлар ва муассасалардир[11].

Кейинги йилларда давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш ҳам давлатнинг диққат- марказида турибди.

Зеро, турли ҳокимият тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш олиб бориши таъминланмас экан, ҳокимият органларининг айрим ваколатлари нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секинлик билан бериб борилмас экан, “кучли давлатдан кучли жамият сари” тамойилини рўёбга чиқариб бўлмайди[12].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши ҳам ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини токомиллаштиришга қаратилган аниқ вазифаларни белгилаб берди. Таъкидлаш жоизки, Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида вакиллик ва ижро этувчи органлар ўртасидаги муносабатларни тубдан янги босқичга кўтаришни назарда тутди. Унга кўра келгусида куйидагилар амалга оширилади:

биринчидан, республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш;

иккинчидан, ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

учинчидан, халқ депутатлари Кенгашларининг ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш бўйича роли ва масъулиятини ошириш;

тўртинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳокимлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган ҳокимларни сайлаш тартибини жорий этиш [13] назарга тутилган.

Муҳим жиҳати, давлат ва жамият қурилиши тизимини токомиллаштириш соҳасидаги устувор йўналишлардан бири сифатида «маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини ошириш» [14] тизимини ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланган.

Бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатда фуқаролик жамиятининг тўла амал қилиш, реал ҳаракат олиб бориши бевосита маҳаллий давлат бошқарув органлари зиммасига катта вазифалар юклайди. Негаки, марказий давлат бошқарув органлари фаолиятинининг функция ва вазифаларини бажаришда улар маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятига суянади, ҳокимиятининг куйи бўғинларига ваколатларнинг ўтказилиб бориши оқибатида маҳаллий давлат ҳокимиятининг ваколатлари янада кенгаяди, бу фуқаролик жамияти сари кенг йўл очади.

Сўнги йилларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган меъёрий асослар ҳам токомиллашиб бормокда.

Хусусан, соҳани янги босқичга кўтариш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти

тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш сингари асосий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-369-сон Қонуни қабул қилинишини таъкидлаб ўтиш лозим[15].

Бундан ташқари, 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2691-сон Қарори қабул қилинади. Унга кўра маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, ижтимоий соҳа ривожини янада рағбатлантириш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш, ҳудудларнинг табиий-хом ашё, ер-сув, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, аҳоли билан мулоқот қилиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни самарали ташкил қилиш инobatга олинган[16].

Мамлакатимиз босқичма-босқич ривожланиш сари илдамлаб бормоқда. Давлат Раҳбари томонидан Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси эълон қилинди. Кенг кўламли ислохотлар давом этмоқда. Ўз навбатида, ушбу жараёнлар моҳиятини тушуниш ва англаш, мамлакатнинг истиқболдаги ривожланиш йўлларини илмий баҳолаш, олдимизда турган имконият ва таҳдидлар, сиёсий ва бошқа таҳликаларни, шунингдек, олдимизда кўйилган марраларга эришиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳукумат, сиёсий партиялар ва маҳаллий ҳокимият органлари қандай ишлаётганлигини таҳлил қилиб бориш ҳамда сиёсий қарор қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади[17].

#### **ХУЛОСА.**

Ҳар қандай ислохотлар самараси фақат марказда эмас ҳар бир ҳудуд ва маҳаллада намоён бўлиши керак. Бунинг учун эса маҳаллий бошқарув органларининг ваколат ва масъулиятини ошириш зарур ҳисобланади. Шу сабабли, келгусида давлат функцияларининг катта қисмини марказдан ҳудудларга ўтказиш белгиланди. Ушбу тажриба ривожланган давлатлар амалиётида ўзини оқлаган бўлиб, маҳаллий бошқарув органларига кенг ҳуқуқлар тақдим этилган. Бу, ўз навбатида, ортиқча бюрократия ва сансалорликларнинг олдини олибгина қолмай, ҳудудлардаги маҳаллий органларни “ўз араваси”ни ўзи тортишга, мустақиллик ва ташаббускорликка ҳам ундайди.

Энг муҳими, бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ташаббуси билан “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, қисқа муддат ичида қонун лойиҳаси ва унга тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, эксперт ҳамда мутахассислар иштирокида бир неча бор муҳокама қилинди. Хусусан, ишчи гуруҳ томонидан маҳаллий ижро ва вакиллик органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган қонунчилик тўлиқ инвентаризациядан ўтказилиб, 260 дан ортиқ қонун ҳамда 400 га яқин қонуности ҳужжатлари ўрганилди. Қонун лойиҳасининг матни, унинг концепцияси ва таққослаш жадвали ишлаб чиқилди.

Амалдаги қонунда маҳаллий вакиллик ҳамда ижроия ҳокимияти билан боғлиқ нормалар умумлашган ҳолда баён этилган. Янги лойиҳада эса, ҳокимиятлар бўлиниши принциплари асосида халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда ҳокимлар билан боғлиқ моддалар алоҳида мустақил бобларда тизимлаштирилган. Халқ депутатлари Кенгаши назорати фаолияти ва шаклларининг ҳуқуқий асослари кучайтирилиб, у билан боғлиқ нормалар алоҳида боб билан белгиланмоқда. Қолаверса, ҳоким ўринбосарлари ва маҳаллий ижро органлари раҳбарларининг ўз фаолияти юзасидан ҳисобот беришлари янги назорат шакли сифатида алоҳида модда билан киритилмоқда.

Лойиҳада қонун ижодкорлиги фаолияти ва қонунлар ижросини таъминлаш соҳасида Олий Мажлис билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмлари такомиллаштирилган.

Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижроия органларининг тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро муносабатлари такомиллашади. Умуман олган, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маҳаллий давлат ҳокимиятининг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиради [18].

Хулоса қилиб айтганда, бугунги замон талаблари асосида фуқароларимизнинг сиёсий етуқлиги ва ижтимоий фаоллигининг тобора ортиб бориши сиёсий ислохотларни шунга монанд тарзда янги босқичда давом эттиришни тўла қонли амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек ҳозирда ҳокимиятнинг маҳаллий миқёсда, яъни вакиллик органлари ва ижро этувчи тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим барпо этишни тақозо этмоқда.

## Иқтибослар/ References/Сноски

- [1]. Деҳканов Н. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи. / Монография. –Т.: “IQTISODIYOT”, 2015. -156 б. –Б. 32.
- [2]. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. 11-сон 246-модда.
- [3]. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahalliy-davlat-hokimiyati-organlari-uz/>.
- [4]. Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т.: Ўзбекистон, 2000. -207 б.
- [5]. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик: олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Андижон давлат университети. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. -524 б. Б. 288.
- [6]. Хусанов О. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари. –Т.: -56 б.
- [7]. Қаранг: Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик: олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Андижон давлат университети. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. -524 б. Б. 277-278.
- [8]. Ўша жойда. Б. 149.
- [9]. Бабаджанов А.Д. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. Юрид.фан.бўй.фалс.докт. (PhD) дисс. Автореф. –Т.: 2020. –49 б. –Б. 15.
- [10]. Қаранг: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahalliy-davlat-hokimiyati-organlari-uz/>.
- [11]. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик: олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Андижон давлат университети. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. -524 б. Б. 332-333.
- [12]. Тўрақулов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли. Сиёс.фан.ном.дисс... –Т.: 2006. -145 б. Б. 40.
- [13]. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2017 йилдаги ПФ-5185-сон Фармони. Манба: <https://lex.uz/docs/3331174>.
- [14]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
- [15]. «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 6 майдаги 87 (6017)-сонидан.
- [16]. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 22.12.2016 йилдаги ПҚ-2691-сон. Манба: <https://lex.uz/uz/docs/3101493>.
- [17]. У.Худайназаров. Сиёсий таҳлил ва прогнозлаш фанини Ўзбекистонда ўқитишнинг зарурияти. Ўзбекистонда политологиянинг янги босқичи. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: «Complex Print», 2022. –300 б. –Б. 201.
- [18]. Қаранг: Насриев Н. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Манба: [https://uza.uz/uz/posts/mahalliy-davlat-hokimiyati-togrisidagi-qonun-loyihasi-ishlab-chiqildi\\_253873](https://uza.uz/uz/posts/mahalliy-davlat-hokimiyati-togrisidagi-qonun-loyihasi-ishlab-chiqildi_253873).



ISSN 2181-0796

Doi Journal 10.26739/2181-0796

# KONSENSUS XALQARO JURNALI

3 JILD, 2 SON

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

VOLUME 3, ISSUE 2

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000